

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 61 (1065) 23 МАРТ ЯҚШАНБА 1958 ЙИЛ БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

Кенг истеъмол молларини янада кўпроқ ишлаб чиқарайлик

Социалистик экономиканинг янги бугун оғир индустрияни устин даражада ривожлантиришга қаратилган ленинча йўлни тинмай амалга ошириб келаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариши янада тез суръатлар билан ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариши янада тез суръатлар билан олға бостириш ва 15 йил ичида қанч ишлаб чиқариши 9-10 миллион тоннага, жузга газлама ишлаб чиқариши 550-650 миллион метрга, чарм пойфазал ишлаб чиқариши 600-700 миллион жуфтга етказиш вазифасини қўйди.

Олтинчи беш йилликнинг учинчи йили социалистик санаотизмнинг янада юксалиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани ўзлаштириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш йили бўлади. Давлат планга белгиланишича 1958 йилда санаотнинг янги маҳсулоти 7,6 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 8,3 процент, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш 6,4 процент кўпаяди.

1958 йил давлат планини тўла ва ошириб бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этаётган область санаот корхоналарининг ходимлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Қизил тонг» тикучилик фабрикаси, Янгийўл сут заводи, Чирчиқ пойфазал ва тикучилик фабрикалари каби кўпгина енгил ва озиқ-овқат санаоти корхоналарининг коллективлари кузлик нормаларини, олийк планларини тўла ва ошириб бажармоқдалар. Чирчиқ пойфазал фабрикасининг коллективи социалистик мусобақа асосида ишлаб чиқаришдаги мавжуд резервлардан унумли фойдаланаётганликлари тўғрисида кўп йиллар маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Коллектив йилнинг ўтган даври мобайнида фақат тежалган материаллар ҳисобига планга қўшимча равишда 2 миң жуфтдан ортиқ юкори сифатли пойфазал ишлаб чиқарди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети яқинда «Болалар учун кийим-кечак ва пойфазал ишлаб чиқариши кенгайтириш, хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарорда енгил санаот ходимлари олдинга жуз муҳим вазифалар қўйилган. Қарорда айтилишича меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш натижасида аҳолининг кенг истеъмол товарларига бўлган талаблари узуксиз ўсиб бормоқда. Санаотни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида эришилган муваффақиятлар санаот товарлари ишлаб чиқариши кейинги йилларда анча кўпайтиришга имкон берди. Шунга қарамай, аҳолининг базани товарларга бўлган талаби ҳали тўла таъминланаётгани йўқ. Айниқса болалар учун зарур бўлган товарларнинг базани хилларини сотишда етишмовчилик борлиги сезилмоқда. Магазинларда болалар учун зарур размердаги, истаган рангдаги ва фасондаги пойфазал, трикотаж буюмлар, қостум, қўйлаб ва пальтолар ҳамisha топилавермайди. Пейсик пойфазалар, қишлоқ жойларда янада янги болалар учун бугури атиқлар, ёғи спорт пойфазали, шунингдек болалар кийими тикиш учун маҳсул газламалар ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Болалар учун ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифати харидорларнинг ўзган талабларига жавоб бера олмайди.

Сўнгра қарорда аҳолининг болалар кийими ва пойфазалига бўлган талабларини қондиришдаги бундай аҳволга сабаб ҳомае ресурсларининг ва санаотизмдаги ишлаб чиқариш имкониятларининг етишма-

ганлигини эмас, балки кўпгина маҳаллий, совет, хўжалик органларининг ҳамда санаот корхоналари раҳбарларининг бу ишга етарли эътибор бермаётганликлари, деб кўрсатиб ўтилади.

Шунинг ҳам айтиш керакки, айрим тикучилик ва пойфазал фабрикаларида, шунингдек ҳунармандчилик артелларида яқинда кўрсатилган размерга тўғри келмайдиган тор танқис кийимлар ишлаб чиқармоқдалар ва бундай сифатсиз маҳсулотларни савдо ташкилотларига юбормоқдалар. Масалан, 1-тикучилик заводи, Яланғочдаги ишлаб чиқариш комбинати ана шундай тор танқис кийимлар, эркаклар қўйлаги ва бошқа кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда.

Бундай молларни савдо ташкилотлари кўпича қайтардилар, баъзан эса талабнинг қаттиқлигини фойдаланиб, брак маҳсулотларни ҳам сотиб юбордилар.

Айрим корхоналар ҳузурдаги техника-контроль бўлимлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни техника кўригилган ўтказишда кўпича муросасозликка йўл қўйдилар. Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва бракка қарши курашда корхона коллективларига сўст ёрдам бермоқдалар.

Завод ва фабрикаларимизда ишлаб чиқарилаётган газлама, кийим-кечак, рўзгор буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотларни савдо ташкилотлари орқали харидорларга — истеъмолчиларга беради. Харидор — янги анча бадавлат бўлиб қолган, харид қуввати тобора ортиб бораётган, овқатнинг сарасини, кийимнинг тўқисини, рўзгор буюмларининг ичмам ва беширмининг истеъмол қилганидан талабчан совет кишиларидир. Иқтисодий бойлик яратяётган. Фан ва техникани зўр бериб тараққий эттираётган, илм-маърифат нуруни таратаётган, Совет давлатининг кучқўдратини янада мустаҳкамлаш йўлида филокорона меҳнат қилган, ниҳоят коммунизмнинг нуридан чўққилари сари олға бораётган олимларнинг халқинининг фаизалятига, динга мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш — социалистик санаотизмни ҳодимларининг Ватан олдидаги муқаддас бурчилар.

Енгил ва озиқ-овқат санаоти ҳодимларининг вазифаси — кенг истеъмол молларини қўйлаб ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот сифатини яхшиладан иборатдир. Маҳаллий партия, совет ва касабасоюз ташкилотлари ҳар бир корхонада мустақам интизом ўрнатилиши, давлат планларининг ўз вақтида тўла ва ошириб бажарилиши, маҳсулотнинг сифатли бўлиши устидан қатъий контроль ўрнатишлари лозим.

Социалистик мусобақанинг ташкилотчилари бўлган касабасоюзларнинг фабрика-завод комитетлари ҳар бир цех, ҳар бир участка ва ҳар бир бригадда мусобақа шартларининг бажарилишини кузатиб боришлари ва мусобақа натижаларини тўлиқлаш, уни ҳар бир мусобақадошга етказиш, илгорларни рағбатлантириш ишлари билан жиждий шугулланишлари керак. Мусобақадошларнинг меҳнат ғайратини, ижодий ташаббусини оширишга хизмат қилган бarcha воситаларини ишга солиш, илгорларнинг тажрибасини рақобатлаштириш, ихтирочилар ва кенонвалзиторлик тақлифларини амалга ошириш чораларини кўриш зарур.

Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун ишлаб чиқариш процессларини тақомилантиришга, янги техникани кўйлаб жорий қилишга ва бу техникани идора қилган ишчи кадрларнинг малакасини оширишга ва уларнинг меҳнат шартини тўқдан яхшилашга корхона партия, касабасоюз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари катта эътибор беришлари лозим.

Ишлаб чиқаришдаги резервларни ахтариб топиш ва ишга солиш, мавжуд техникадан унумли фойдаланиш асосида социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, аҳолининг дид ва талабларига мос келадиган сифатли кенг истеъмол молларини кўйлаб ишлаб чиқарайлик.

Ишчи ва механизаторларнинг ғайрати

«Пискеит» совхозининг 1-бўлим ишчи ва механизаторлари пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари томонидан қабул қилинган мажбуриятни қизгин маъқуллаб, қўқлам дала ишларини янада кучайтириб юбордилар.

Бўлимда ўтган йили ҳам 900 гектар пахта майдонидан мўл ҳосил олинди, план ортиги билан бажарилган эди. Бу йил эса пахта майдонини 20 гектарга кенгайтирилди. Ишчи ва механизаторларнинг астойдил қилган ҳаракатлари тўғрисида йилнинг 1-6 ойида сифатли шугор қилиб қўйилди. Эрта баҳордан соғирини шохобчаларини тартибга солиш, қўйлаб маҳаллий ўғит жамғариш ва уни пахта майдонларига ташиб чиқариш, зарур техникани акши кампаниясига тахт қилиб қўйиш каби муҳим ишлар авж олириб юборилди.

Шу куларда бўлим пахта майдонларида бўлган киши яхшилаштирилган, текисланди, ерининг сифати сақлаб қолиш мақсалида наминки борааланган умуман чигит акши учун тахт қилиб қўйилган карталарини кўриб хурсанд бўлди. Бўлим ишчилари маҳаллий ўғит мўл ҳосил гарови ақалигининг ўтган йили ўз тажрибаларига синиб кўришлар. Шунинг учун ҳам бу йил далага 5 миң тоннадан ортиқ ўғит ташиб чиқаришди. Бу иш ҳозир ҳам қизгин давом эттирилмақда.

Бўлимнинг 3-4 ва 9-бригада ишчилари ҳам ўртоқ Топоко методи асосида ишлашга қарор қилдилар. Чунки улар кетмон ишлашмасдан механизация ёрдами билан кам меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштириш мўжми ақалигига яхши тушунашдилар.

— Мана шу усулни қўлланиб, — дейди илгор бригада бошлиғи коммунист ўртоқ Маҳмуд Азаматов, — 60 гектар ермиизининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Илгор бўлим ишчи ва механизаторлари иккичи бўлим коллективининг социалистик мусобақасига қатнашган. Шартномада бу йил гектаридан олингандаги ҳосилни ҳамда 5 центнерданга оширишга аҳд қилинган. Улар ана шу аҳдларининг уaldasини чигит мақсалида қўқлам акши кампаниясини ҳар тарафлама шайлаиб кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Н. БЕКНАЗАРОВ, З. ШУКУРОВ.

21 мартда Москвада грузин санъати ва адабиёти декадаси очилди

Грузин санъати ва адабиёти декадаси очилди

Москвада 21 мартда Грузия санъати ва адабиёти декадаси очилди. Бу ҳақиқатини кўриб қолган, рус ва чет эл композиторларининг яхши асарларидан кўпгина ажойиб спектакллар бор.

Москва санъат усталари вакиллари делегацияси Грузия дўстларига гуллар тақдим этидилар. Бу театр солишти, СССР халқ артисти А. П. Иванов рус ва грузин халқларининг дўстлиги ҳақида, уларнинг қадимий ижодий алоқалари тўғрисида завоқ билан гапирди. У декада қатнашчиларига катта муваффақиятлар тилади. Тбилиси театрининг директори Грузия ССР халқ артисти Д. С. Мчедидзе табриқлар учун, дўстона кутиб олганликлари учун москваликларга ташаккур изҳор қилди.

Зал гўмбаалари остида Совет Иттифоқи ва Грузия ССР давлат гимнларининг салозлари янгради. Шундан кейин ҳозирги замон грузин опера музикасининг асосчиси З. Палиашвили томонидан ёзилган «Данс» операси ижро этилди.

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Табилашвили сахнага қўйган бу постановкада халқнинг ватанга бўлган муҳаббати, унинг қаҳрамонлиги ва мардили,

Андижон область партия активи йиғилиши

АНДИЖОН. 22 март. (ЭТАГ). Бугун бу ерда Охунбобоев номи музыка-драма театри биносида область партия активи йиғилиши бўлди. Актив йиғилишида район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг расислари, колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг раҳбарлари, санаот ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг новаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, Фарғона комплекс зонал-тажриба станциясининг илмий ходимлари иштирок қилдилар. Меҳмонлар орасида Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг бир қанча областлари дала меҳнаткашларининг вакиллари бор.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми гулдурас қарсақлар остида йиғилишнинг фахрий президиумига сайланди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумининг ва Бутуниттифоқ пахтакорлар кенгашининг яқинлари ҳамда область партия ташкилотининг вакиллари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Р. Қурбоннов доклад қилди. Ўртоқ Қурбоннов Коммунистик партия томонидан колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта қуриш юзасидан белгиланган тадбирларнинг тарихий аҳамиятини батафсил ҳарактерляди.

Андижон областининг Ленин орден билан мукофотлангани муносабати билан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Нуриддинов Тошкент области ишчилари, колхозчилари ва интеллигенцияси номидан андижонликларга самимий салом топширди. Тошкент ва Андижон областлари пахта дала-ларининг меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақа, деди у, традиция бўлиб қолди. Ўтган йили андижонликлар ҳақли равишда биринчиликни олдилар ва бу Тошкент области колхозчиларини хурсанд қилмоқда. Тошкент области колхозчилари мусобақалашаётган икки областининг колхозлари бу йил Ўзбекистонда 3 миллион тонна пахта етиштириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муносабати ҳисса қўшадилар, деб қаттиқ ишондилар.

Ш область партия комитетининг секретари И. Капустян, Фарғона область партия комитетининг секре-

тария Т. Қамбаров, Жалолобод партия комитетининг секретари Б. Шодибекков, Наманган область ижроия комитетининг расис И. Муродов, Андижон области меҳнаткашларига самимий салом топширдилар ҳамда уларнинг ишида янги муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камолов нузқ сўзлади. Область меҳнаткашларини 1957 йилда эришилган муваффақиятлар учун Ленин ордени олиш билан қизгин табриқлаб, у область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларидан ҳамда пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши яқинларидан келиб чиқадиган вазифаларини батафсил баён қилиб берди.

Йиғилиш қатнашчилари ақидиллик билан қарор қабул қилиб, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини ҳамда Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги доклад текисларини тамомила маъқуллашди. Қабул қилинган қарорда область қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш йўлида амалий тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш охирида 72 илгор колхоз ва 6 районга: Андижон, Олтинқўл, Чинобод, Ленинск, Москва ва Пахтаобод районларига, 1957 йилда ҳар гектардан 30 центнердан кўпроқ пахта ҳосили олган районларга, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари топширилди.

22 март кечкурун Андижон области ижроия комитети областнинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан қабул маросими ўтказди. Қабул вақтида қарийб тўрт юз киши — колхоз раислари, совхоз ва МТС директорлари, фан ва маданият арбоблари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, Ўзбекистоннинг бошқа областларидан ва Қирғизистондан келган меҳмонлар ҳозир бўдилар.

Қабул қатнашчилари учун Тошкент ва Андижон артистларининг кучлари билан катта концерт қўйиб берилди.

Робия опанич номини ўрта Чирчиқ район пахтакорлари ҳурмат билан тилга олишди. Илгор бригада бошлиғи «Ленин йўли» колхозда ҳосилдорликни ошириш ишга ўзининг муносабати ҳисобини қўшиб келмоқда. Ўтган йили унинг бригададан аъзолари 115 гектар ерининг ҳар гектаридан давлатга 32 центнердан пахта топширдилар. Бу йилги ҳаракат янада бошқача. Улар гектаридан олингандаги ҳосилни 3 центнерданга ошириш мақсалида қўқлам дала ишларини қувватлантириб юбордилар.

Шу кунгача куздаёқ сифатли шугор қилиб қўйган унумдор ерларга 587 тонна ўғит ташиб чиқарилиди. Квадрат-улаб инит эккидангина пахта майдонлари мавсумга тахт қилиб қўйилди. Робия опа Бердикулова бошчи бригада аъзолари яқин кулар ичида экшни бошлаб юбордилар.

В. САЛОВ фотоси.



Квадрат—мўл ҳосил гарови

Йиғилишда райондаги Свердлов номидаги аъзолари ўтган йили чигит акши ва гўза парваршии далаларида қатор камчиликларга йўл қўйиб, пахта тайёрлаш давлат планини бажара олдилар. Улар бу йил ана шу камчиликларга йўл қўймайлик учун, ҳосилни ўтган йилгича нисбатан камида 2-3 центнердан

ошириш мақсалида дала ишларини ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар.

Пахтакорларнинг астойдил меҳнат қилганликлари сабабли барча суғорини шохобчалари тартибга солинди. Куз ва қиш даврида сифатли шугор қилинган 1200 гектар пахта майдонни текислашиб бораюватди. Колхоз правлениеси ҳар гектар ерга 10-12 тоннадан маҳаллий ўғит тўлаш тадбирларини амалга оширди.

— Ўтган йили, — дейди колхоз агрономи ўртоқ Р. Собиров, — янги усулни қўлланган қатор бригада-ларимизда натижа яхши бўлди. Бу бригадаларнинг аъзолари об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, гектаридан 35-40 центнердан ҳосил олишга эришилди. Афсуски, гўзани оддий усулда парварши қилган бригадаларимизда ҳосил анча камайиб кетди. Бу йил 300 гектар ерга режа симилари тўртит чигит екмоқчимиз. Қолган майдонларидан гўзаларини ҳам дералик узунлиги ва қилданигига парварши қилмоқчимиз.

Ана шу мақсад билан 40 кишидан иборат 7 та екняк аъзоларини чигитни квадрат-улаб эккиш ва гўзани икки томонлама парварши қилиш йўлиларини ўрганидилар, назалрий йилни олдилар. Ҳозир эса дала-ларда амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бу машғулотларда илгор меҳнаткорлар ва колхозчилардан Ф. Гуломов, М. Қорабери, Р. Турдиев каби ўртоқлар ўз сездларини пухта ўрганиб олганликлари билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Т. БИРОХИМОВ, Х. ЖАЛОЛОВ.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон касабасоюзлари советининг Тошкент области бўйича Ташкилий бюроси Тошкент область касабасоюзлари 1-сонлараро конференциясининг делегатларига мазълум қилганини, 1958 йил 25 мартда эрталаб севат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залига Тошкент область касабасоюзларининг 1-сонлараро конференцияси очилди.

Делегатлар 24 мартдан бошлаб Ташкентдаги биносида (Ленинградская кўча, 13) рўйхатга олинади. ТАШКИЛИЙ БЮРО.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг пленуми ҳақида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Яқинда Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. И. П. Бродова ўқиниш кетганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоллиги вазифасидан озод қилди.

Ўртоқ Исҳоқ Муҳамедович Пидеев область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди. Пленум область партия комитетининг бўлим мудириларини сайлади. Партия органлари бўлимнинг мудири қилиб ўртоқ У. Нонмаев, санаот ва транспорт бўлимининг мудири қилиб ўртоқ Н. Н. Бекоев, қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири қилиб ўртоқ П. А. Новосельцев, маъмурий ва савдо-молия органлари бўлимининг мудири қилиб ўртоқ И. М. Бирюков тасдиқланди.

ФЕЛЬЕТОН **Муҳбирлик — Виждон нидоси**

Афнинг қийишқ бўлса ойпадан ўпкалама. Бу-ку шундай. Аммо қилса чойга қараб деди ўқийдиган, бада офтобда қаттиқ ялаб ўтириб, фиски-фасодни кавлаштиридан, текканга тегиб, тавлаганга кесак отадиган кимсаларнинг ҳам афти қийишқ дейсизми? Йўқ. Уларни кўрганда кишининг ҳаваси келадил, негаки, келинган, артиб қўйилган тухумдек силлиқ, бежирим. Лекин уларнинг афтига қараб, ҳаргиз яхши йиғитлар экан, дея кўрманг.

Мол оласи сиртида, одам оласи ичта деталарлик, совет муҳбири деган муҳаддас номга иснод келтирвучи, бу номни сунистеъмор қилиб, шу нидо остида ўзларининг бузуқ ниъатларини амалга оширвучи, ўз номларини кў-кў қилувчи шухратпараст, редакциялар номини сотиб юлгичлик, гаразгўйлик қилувчи, енгил қабт кетиришни кўзлаган айрим йиғит қийишқ, мафкураси бузуқ «муҳбир афанди»ларга икки ҳаммол бир замбил тўғрилиб бевасила кўп савобли иш бўларди-да! Ахир бу тоифадаги «муҳбир»лар совет ҳокимияти йилларида қатта қуча айланган муҳбирлар армиясининг совида қингир ишга кўт ўрмоқдалар, уларнинг ютуқ ва қамчилиқларимизни рўй-рост очиб ташловчи қаҳқоний овозларига чиндон бўлмоқдалар.

Номга газеталарда тез-тез учраб турадиган оқдўрмонлик Муҳаммад Канзафаров шухрат деган жойда ор-номус, виждондан воз кечадил-да, кўзини чирг зўл, ғизни «шухрат» сари отадил. Йўқса у район газетасига босилган хабарларнинг ҳатто ревулути хам бежо қилмай, кўчириб ботқа редакцияларга юборармизли? Юракнинг қатталигини қарангки, «Сталинчи» газетасининг 23 январь сониде босилган «Мехнат ва хурмат» сарлавҳали хабарни ҳайқилмай-нетмай шундоққина кўчириб, област газетасига юборибди! Оббо шовоъ-ей, кўлга тушиб қолган, шарманда бўлмаган деб ҳам ўйламайдил-я. Бу кўчирмамақ саалата «прогрессив» деб ёзилган сўзини «прогрессив» деб ҳам тугатмайдил.

Дарвоқиб, хабарни салгина таҳриро қилган, яъни «Броқ» ёнгиларлик бўлмади чингилнинг ерининг ўз назида уммаслик ҳавфи туғилди» жумласининг «уммаслик» сўзини «унуммаслик» деб «тузатибди». Халқоғли ўғарини ҳам шу. Афтидан кўчирибгазла шопилганга ўхшайди. Район газетасининг 21 январь сониде Ж. Хайтметовнинг «Тракторчиларнинг самарали гайрат» сарлавҳа билан босилган хабарини ҳам бор-барак қилиб кўчириб юборган.

Жумалари силлиқ бу «муҳбир»нинг ботқа касби ҳам бор. У яънига ёлган кишилар устига истаган вақтга холлаган шўрага оқ розини қора қилиб жўнатаредил. Маю унинг хатларидан бири: хат област маданият бошқармаси полиграфия бўлими бошлиғига ёзилган. Хатта район редакция хотимлари нари олиб борилиб, бери олиб келинган. Қуракда турмайдиган фиски-фасоднинг ҳаммаси шу хатда.

Канзафаровни анойи деманг. У анча пихи қайрилган «муҳбир». Бир вақтлар унинг устида редакция сигнал тушиди. Сиғилани аниқлаш учун Канзафаровга хат ёзилди. Бироқ у жавоб бериш ўрнига дами ичига тушиб, жиниб кетди. Орадан анча вақт ўтгач, редакцияга яна ёқоридагича хабарлар ёздил. Энди ёборилган хатларда аниқ эҳдес йўқ: фақат «довостребование» деган сўз жила қилиб турибди. Шухрат, қолверса ёборар кетдан қувган Канзафаровнинг етиб келган жойи кўчирмақашлик, итвотарлик бўлди.

Саксонга сабоқ, тўксонга товоқ берадиган Канзафаров, қувлик, юзсалиқ ҳам эни билан бўлсин! Итвотарлик ҳатто ўзинини ҳам ҳовлиқтириб қўйибди. Кўчирмақашлик билан олинган қалам уч аса қўлингизни шира бостирибди. Сиз ўз «фаолият»ингизга назар ташлаб, жар ёқасига келиб қолган ингизини пайқалдингизми? Балли-е силезек «муҳбир»га!

Ўртасаройлик Н. Баркашев девор бўлмасе кўчини кўрманган, деб гаъво қилиб юрган гоъ йиғитлардан. Чалакам-чаттисига хабар ёзилган бу «муҳбир» йил-ўй икки ой дала бетини кўрмидил, одамлар орасида бўлмайдил, ҳеч ким билан сўҳбат қилмайдил-ю, лекин хабар кетма-кет ёзилгиларди. Хал-а, ўқин-ёқини билгилдан кейин тагин нима? Овора бўлиб узатган ёғини йиғиб юрди-ми? Ишқилиб номи газеталда тез-тез кўришиб турса бўлди. Хабарлар ҳаводан олиб ёзилганлиги сабабли ёлғиннинг, қаҳқий ҳаводининг ёғи осмондан қилиб кўрсатилган бўлди. Баркашев ҳам ном чинаришга тўзоқ қўйилган, Бироқ бу тўзоқ бир кунмасе бир кун ўзини ёғидан чалиб, бурнини қонатди.

Қачонлариди Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаб, сўнг ишдан бўшаб кетган Собир Зоқиров. Ҳамза номидеги Тошкент музика мактабининг студенти Рашид Кўчуровлар ҳам ана шундай халтурачи муҳбирлар тоифасидан. Уларнинг бири редакциядан олган алақандил қоғозини рўқат қилиб, редакция номини қорайтган бўлсе, иккинчиси йўқ ердига гапларини ёзди, кўчирмақашлик қилди.

Совет матбуоти қаҳқат жарчиси, оманнинг трибунасинди. Муҳбир ҳаётимизнинг кўзи, қулоғи, унинг хабари аса виждон нидосидир! Шунинг учун онла-сонла учраб турадиган бу қилдаги қўғилга ойбасини хиралаштирвучи, жамият учун бойлади иш билан шугуланмайдиган бўйни йўғон, айёр, ном сотувчи, шухратпараст, гаразгўй, сув лойқатловларга галининг нўст қалласини айгиб, моёмони қаҳқий хабар ёзишни истар эканиса, марҳамат, далага бориңг, баҳор нафаси эмседа, кўзингизни очадил, қалбингиздаги губорларни соғурал. Қорҳонага йўллансангиз станоклар овози пилҳом берали, ана сизга тема, ана сизга хабар, аммо беъаъли ишлар билан, халтурачилик билан шугуланманг, дейиш. Қаҳқатини ёзганларга аса ҳамини ташмаккур айта-миз.

Ўқоридаги халтурачилар қаҳқида ёзилган сатрларини дастак қилиб олиб, қаҳқатини ёзилган муҳбирларга нисбатан бармоғини битиз қилувчи, терс гапириб тутун қабтарувчилар ҳам топилиб қолшин мумкин. Бундай қолда сатра тиш шу ўртоқларга қаратилиши турган гап!

Сами РАҲИМ.

ХАР ТўғриДА

Киши чарчоғини йўқотадиган ва кучини тиклайдиган ўсимлик

Қадимги хитой афсонасида шундай дейилди: «Кўмирфуруш Лу Бан беш кундан бери қил Шаньси тоғининг қуюқ ўрмони ичда йўл юрар эди. У бемор оқсини хузурига шопиларди. Унинг белбоғида беморага даво бўладиган дори женьшень бор. Бироқ Лу Баннинг емуши тамом бўлди, кучсизлиги холдан тоғди, уст-боши тилка-пора бўлиб кетди. Ҳар қадамда йиғилиб, зўра кетаётган Лу Бан олтинчи кун оқ қизил рапгил бир шинги мевани кўриб қолди. Бу «увэйцзи» — лимоник эди. Лу Бан мевани ея бошлади, у оғзини ачитиб юборди, аммо ёш йиғит вужудига дарров йўқолган куч тиклачадил...»

Лимоникнинг хитойча номи «увэйцзи» — «беш таминг уруги» деган маънони англатади. Яъни, нордон, ачингач, аччиқ, шўр ва ширин тамлар.

Лимоник шифобахш ўсимлик сифатида хитойликларга V асрдан бери маълум. Оснб ва Узоқ Шарқ мамлакатларидаги овчилар, подачилар лимоникнинг киши чарчоғини йўқотиши ва кучини тиклашини яхши билдиллар. Улар лимоник баргидан чой дамлаб ичдилар, аччиқ-нордон мевасини шимдилар.

Ажойиб хусусиятга эга бўлган бу ўсимлик Оснбда жанубдан шимолга қараб кетган 3 минг километрик полюсада ўсади. Тибет, Хитой, Корея, Япония, Курил ороллари ва Сахалинда кўп учрайди. Бизнинг Узоқ Шарқ айниқса лимоникка бойдир.

Россияда лимоникни ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Унинг хусусиятларини биринчи марта 1858 йилда рус ботаниги Н. С. Турчанинов тасвирлаб берган. СССР Фанлар академиясининг Узоқ Шарқ филиали ва Халбаровск медицина институту олимлари ҳам бу ўсимликин ўрганиш юзасидан қатта текшириш ишлари олиб бордилар. Лимоникни Ватанимизнинг бошқа районларига ҳам тарқатиш тажриба қилиб кўрилмоқда. У Москва, Ленинград, Новосибирск, Белоруссия ботаника боғларида иқлим шаронига яхши мослашмоқда.

Н. ҚАЮМОВ.



„Победа“ парки ажойиб сайроғога айланади

Тошкентдаги «Победа» паркни меҳнатқашлар хорлиқ чиқарадиган мақсадида ҳозир қатта реконструкция ишлари олиб боришмоқда. Боғ олдигаги «Йилм-чуқур» пастиқ жойлар теп-текис қилиниб, қатта майдон барпо қилинмоқда. Майдонга ажойиб газон ва чиройли гулзорлар барпо қилиниб, атрофига скамейкалар қўйилди.

Боғдаги эски кинотеатр биноси ўрнига 650 кишилик янги кинотеатр биноси қуриломоқда. Шунингдек, астрала сахниси ҳам янгиландил. Чиройлик гулзорларни қўлайтириш учун оранжереяга етиштирилган георин шойи гул ва атр гуллардан 15 минг туддан кўпроғи ҳозирда қозонларга ўтказилди. Шу қурилда паркда эрта баҳор гуллари қуф уриб отилиб ётибди.

Боғдаги қўла ҳам қатта ўғарилар бўлади. Сувинг ўртасига темир-бетондан музикантлар арки ва оролчага фонтан ўрнатилади. Музикантлар аркида ҳар кун таъна бошлангунга қадар оркестр ўйнаб туради. Илгари мавжуд бўлган сув станцияси талабга жавоб бера

Жибек Турсунова уч бола туғди



«ЕРДАМЧИ» Х. Исронов фототўди.

Оржоникизде райоң Қибрай қишлоқ советидаги туғуриқхонада бир қувонч хотиса рўй берди. Туғуриқхонага олиб келинган Сталин номли қолхоз аъзоси Жибек Турсунова бир ўғил ва икки қиз туғди. Она ўзини яхши ҳис қилмоқда. Уччала чақалоқ аса соғлом, тетик. Уларнинг врач ва ҳамширалар меҳрибонлик билан парварин қилмоқдалар. Қолхоз правленеиси Жибек Турсуновани пул билан муқофотлади.

Н. НАСИМОВ.

СИСЛОВ БИЛАН БОТВИННИК УРТАСИДА МАТЧ-РЕВАНШ

20 мартда жаҳон биринчилиги учун ўтказилган шахмат мусобақасининг олтинчи ўйини бўлди. Бу ўйинда эски ҳинд ҳимоя усули қўлландил. Қора доналар билан ўйнаган Сисловда ўйиннинг бошланғиқ фарзин томонидан пиледалар кучсизлиги қолди. Шахмат тахта-сидан бир неча доналар чиқиб кетган, бу кучсизлик кўпроқ совида бошлади. Жаҳон чемпиони бир пиледали қурбон қилганида ҳам, унинг аҳволи енгиланмади. Рақиб ҳужумга жавобан у иккинчи пиледали ҳам қурбон қилди. Шу кун Ботвинникнинг қўли баланд бўлгани ҳолда ўйин тамом бўлмай қолди.

21 декабрда Марказий шахмат клубида олтинчи ўйин давом эттирилди. Ботвинник ўз қўлининг баъдалидан фойдаланиб, муваффақиятга қатъий ишонган ҳолда ўйнаб 49-йилда Сислов устидан ғалаба қовонди.

Шундай қилиб, жаҳон биринчилиги учун бўлаётган матчинг натижаси Ботвинник фойдасига 4,5:1,5 бўлиб қолди. (ТАСС).

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎРТА ОСИЕ ВА РОССИЯ УРТАСИДАГИ ИҚТСОДИЙ АЛОҚАЛАР ТАРИХИГА БАҲИШЛАНГАН ИЛМИЙ ИШ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ҳолимлари А. Муҳаммаджонов ва Т. Неъматов ўртоқларнинг «Бухоро ва Хива хонлиқлари билан Россия Уртасидаги Ўзбекистон муносабатларига доир баъзи масалалар» деб аталувчи илмий иши босмадан чиқди. Узоқ вақт олиб бориладиган илмий-тектириш ишлари натижаси бўлган бу китоб тарихий ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Археология қазилмалари ва тарихий ҳужжатларга қараганда Ўзбекистон халқлари билан Россия Уртасидаги иқтисодий алоқалар бундан бир неча аср илгари бошланган. Ана шу иқтисодий алоқа Ўрта Осиенинг Россияга қўйилганлигиде прогрессив воқиянинг рўй беришида ҳал қилувчи роль ўйнаган. 1364 йилдаёқ Бухоро ва Хива савдогарлари Новгород шаҳрига боришлар. XV асрда рус савдогарлари Самарқандга тери, мўйна ва аён поясидан тўқилган газламалар келтириб сотганлар. Ўз навбатида Ўрта Осиё савдогарлари ҳам Россия бозорлари пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини олиб бориб сотганлар.

Илмий асар авторлари тарихий ҳужжатлар асосида Англия капитал агентларининг Бухоро ва Хивада ҳийла-найранлар шиллатиб Ўрта Осиё бозорини Россия товарларини сиқиб чиқаришга унингилларларини кўрсатганлар. Аммо, Ўрта Осиё ва Россия Уртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар тўхтовиса ривожлана бориб, Англия агентларининг ҳамма уринишлари барбод бўлган. (ЎзТАГ).

М. Турсунхўжаев фотоси.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА 23 МАРТДА

- 15.00. Болалар учун мултипликацион фильмлар.
19.30. Совет Армияси жангчилари учун рус тилида эшиттириш. «Совет жангчиси» телевизион журналининг 2-сониде.
20.30. Киножурнал.
20.40. Ўзбек тилида рақе кечаси.
21.15. Вадийий фильм — «Мен яшаб турган ўй».

24 МАРТДА

- 19.30. Қишлоқ ҳўжалиқ ҳолимлари учун Ўзбек тилида эшиттириш.
19.50. Киножурнал.
20.00. А. М. Горький тугилган қунининг 90 йиллиги муносабати билан рус тилида адабий эшиттириш.
20.40. Озарбайжон ССР халқ артисти Рашид Бейбутов иштирокида Озарбайжон астрада оркестрининг концерти.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Авалажиенер Анант Шридар КАРНИКнинг ҳикояси



„Кашмир маликаси“нинг сирини

Шамол секин-аста пасайиб, бутунлай тинди. Аллақандай галати бир сукунат чўлди. Тарқалаётган бурутларнинг уер-бу ерида юлдузли осмон парчалари кўрина бошладил. Ҳа деймай бутунлар орасидан ой мўраллади-ю, бирдан ҳаммаёқ ўзгариб кетди. Хотиржамалиб олган океан юзиде кенг ой йўли ялғиради. Унинг ўнг томонида, биздан бор-ўйи ярим мишга жойда, ад палъма дарахтарлари зич ўсиб ётган оролининг қиш соҳили яхшигина кўринадил. Соҳилининг шалъида қараганда шотрлдан олдин етишини оруз қилганимиз ўша орол эмаслиги аён бўлиб қолди. Лекин энди бунинг нима аҳамияти бор эди! Ахир бепеиб океан кучоғидаги кўз илгамас бир парча ерда бизнинг ҳамма оруз-умилларимиз мужаасаланганди. Шу сабабли холдан кетган бор кучимизни йиғиб ўша оролга интилдик.

Оқим йўлимизга ҳамроҳ бўлган учун анча тез силжирдик. Маю соҳил бўйидаги оқ қум ҳам жимирлаб қолди. Юз арчада сузсак бас — мақсадимизга етидик. Лекин саккиз соатлик ҳаёт-мамот кураши билани ниҳоятда холдан кеткисанидан қўлобқларимиз бизга итоат қилмасди. Шунинг учун ҳам кўпроқ дам олиш-

га мажбур бўладик. Қиргоққа нах юз ярдча қолганда шундоқ қилсак бўладимиз! Лекин ана сузиб, ҳар бир метрини зўр мапақат билан ўта бошладик.

Ярим соатча, балки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай ҳамон сузиб кетаттиришди. Бирдан меннинг қўлим аллақандай совуқ ва қаттиқ нарсалга тегиб кетди. Бу сув ости қоъси эди. Мен тадри-бу тадри тош учини ушлаганча шодлиниб қичқирдим: — Дикшит, қиргоққа етиди! Буниде қара, чинакам қолнинг ўзи! Мен Дикшитни судраб, ёқорига тирмаша кетдим. Бима-ён ўтириб олди, ҳаллослаганча севинч билан бир-биримизга тикиллардик. — Омон қолдик! — хитоб қилдик иккимиз бир овоздан. Ҳа, расоюм омадимиз келди! Улим енгилди. Бопимиздан кечирган шунча қулфатлар энди орқалда қолди.

КИЧКИНА ОРОЛДАГИ ИККИ РОБИНОЗОН — Бўлди энди, тур, — шошилтирдил мени Дикшит. — Оролга тезроқ ўтиб олиш керак. Лекин қолдан тойганим учун кўгоғлим қолмай, тақлиф қилдим: — Тонг оттувча шу ерда ўтириб чиқсак нима қилади.

сувга судралиб тушиш жуда машаққатли бўлди. Сузин ундан ҳам отир эди. Оролга юз ярдан камроқ масофа қолган бўлса ҳам, қиргоққа етиш амри маҳол эди. Ўша ерда жулда кўп учрайдиган сув ости қолларига усталек билан чап бериб шихотда секин сузиб борардик.

Қоялардан ўтгач, оёғимизга силлиқ қумлоқ унади. Энди саёз жойдан кўпи билан йиғирма ярдча юриб боришимиз керак эди.

Сўнгги бир неча қадамни ташлаб, қиргоққа чиқиб олганимизга ҳолатимизни, қувончимизни бай сўзлар билан ифола қилайдик?!

Икковимизнинг ҳам мадоримиз қуриган, лекин беқеъиде бахтиёр ҳолда юмшоқ қум устига чўшилдик. Худди ана шу ҳаловатли дақиқаларда моторларнинг гуруллаганини айтидик. Унинг овозидан «Дакота» учаетганини билди қўйин эмасди. Янглинмаюмиз. Самолет сув этиб орол устидан учиб ўтди-да, кўздан йўқолиб, бироқ анли биз қўруқликка бўлганимиз учун моторларнинг гуруллаганидан бу сафар унча ташвишланмадик. Қўтқаринч чамбарларимизни ечиб ташладик-да, қайрилиб денгизга озландик. Ўшайди кечалда денгиз нақадар сокин, нақадар дилрабо эди! Биз ўртоқларимизга эсалдик. Улар ҳам қутлиб, яқинимизда бўлишга керак деган фикрга жулда-жулда ишонимиз келарди. Патҳакдан қўғилмаю тўқ эди, чуқки унинг моҳир сузувчи ақалигини билардик.

Дикшитни ўтказиб қўйдим. Оғриқини зўридан қийир эта олмасди. Кесилган товоним аўқ-аўқ оғриди. Бунинг устига денгиз томонидан изгирини шамол эсаётгани учун икковимиз ҳам совқатиб қалтирдик. Лекин тозаюм чарчаган эканман. Ўзимдан кетиб қолганим. Қўлимиз оғтанда бўлган сув мовий қўлдаги ой аввалгидек қулиб турар ва бошларига ойнанинг қумуш нурулари ўйнаётган палъмалар боғичдек яққол қурилиб турарди. Дикшит данг қотиб ухларди. Мен уни йлаётган совуқ шамолни тўсиш учун ёнбошлаб олиб уйкуга кетдим.

(ДАВОМИ БОР).